

ЖАЛК СУЗУ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1991 йил 20 сентябрь, жума, 183-сон

НАРХИ

ЎБУНАЧИГА 7 ТИЯНН. СЎТУВДА 10 ТИЯНН.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АДАБИЁТ ИЛМҒОҲИГА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк олим, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан, республика жамоатчилиги хоҳиш-истаklarини инобатга олиб Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг адабиёт илмҒоҳига Алишер Навоий номи берилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

МАКТАБДА НАВОИЙ МУЗЕЙИ

Гулистондаги Алишер Навоий номидаги ўрта мактабда Шарқнинг буюк мутафаккири, Ўзбек адабиёти асосчиси музейи очилди. Муамтоз шоир асарлари, адабларнинг унга бағишланган асарлари, турли ҳужжатлар ва материаллар машҳур «Хамса» муаллифининг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги бўлимларнинг асосини ташкил этади. Экспонатлар мактаб ўқувчилари жонанон ўлка тари-

хи ва адабиётини ўрганишлари учун ҳам ахши қўлланма бўлади. Бундай музейга кўпчилик ҳавас қилса арзийди. Уни ташкил этиш учун қарийб 30 миң сўм пул ажратилганини айтиб ўтишнинг ўзи kifoya. Гулистон шаҳар ижроия комитети билан мактабга оталиқ қилаётган маҳаллий шиша тозалаш заводи бу ишга ўз хиссаларини қўшдилар. (ЎЗАТАГ).

ШОИР ЮБИЛЕЙИГА ҲОЗИРЛИК

Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари аҳволи кўриб чиқилди. Ингилдини Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Э. Самандаров олиб борди.

Мажлисида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказилган йиллик конференция дастури муҳокама қилинди. Бу мақсада бўйича Ўзбекистон Фанлар академияси адабиёт институтининг директори Т. Мирзаев ахборот берди. Шунингдек, улуғ бобомиз тўғрисида муносабати билан Халқлар дўстлиги саройида ўтказилган концерт ва томошалар дастури ҳам кўриб чиқилди. Бу хусусда Аброр Ҳайдаров номидаги театрнинг бош режиссери Б. Йўлдошев тайёргарлик ишлари хусусида ахборот берди.

Ингилдинида юбилей муносабати билан ўтказилган тадбирлар янги-янги бўлиши, унда буюк шоир меросининг янги қирралари кашф этилиши ҳақида фикр юритилди.



Хоразм вилоятининг Богот райони пахтакорлари мўл ҳосил етиштирдилар. Қуни кеча район марказидаги пахта қабул жойига илк ҳосил келтирилди. Пахта йиғим-теримида Ленин номидаги Наримов номида жамоа ҳўжаликларининг заршунослари карвонбоши бўлишарди. Бу ҳўжаликларда «оқ олтин» мавсуми дастлабки кунлар-

да ноқ пухта ва ушқоқлик билан бошланди.

СУРАТЛАРДА: 1. Богот пахта тозалаш заводида янги ҳосилни қабул қилишга бағишланган танта-на. 2. Ленин номида жамоа ҳўжалигининг илғор бригадаси бошлиғи Олим Аҳмедов.

Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.



МУСТАҚИЛЛИК, АСРАЙМИЗ СЕНИ...

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВГА

● Республика парламенти Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилди. Мустақилликка халқимиз ҳалол меҳнат, миллатлараро қардошлиқ ва бирлик билан эришди. Шунинг учун уни ҳамisha ардоқлаб, мустақамлаб бориш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг нисоний бурчидир.

Ҳокимиятимизнинг қатъийлик билан, демократик асосда мустақил давлат муаммоларини бартараф этишларида биз ўз меҳнатимиз билан ҳиссамизни қўшамиз.

Бутуниттифоқ кимё технологияси илмий-текшириш билим-ғоҳининг дорн-дармонлар технологияси лабораторияси ходимлари.

Мустақил Ўзбекистон Президенти КАРИМОВ ҲАЗРАТЛАРИГА

● 1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистоннинг истиқлолини бутун дунёга эълон қилдингиз ва бутун мусулмон

мамлакатлари халқини хурсанд этдингиз. Мустақил Ўзбекистоннинг ўз истиқлолига эришиши зоти олийининг катта ғайратлари соясида бўлди.

Бу муносабат ила зоти олийингизни Туркияда яшовчи ўзбеклар номидан чин кўнгилдан қутлайман.

Мустақил Ўзбекистон давлати ҳар соҳада давомли тараққий қилишини Оллоҳ таолодан илтижо қиламан.

Ўрнат билан, Тошкентда туғилиб, айни пайтда Туркияда яшавган ҳамюртингиз Мийн Абдусубҳон Субҳи Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТИ

18 сентябрь кунин Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов журналистлар билан суҳбат қилди. Унда Американинг «Ассошиэтед пресс» ахборот бошқармаси материалларида баён қилинган воқеаларни «Известия» рўномаси бундо «Суратланлиги ҳақида гапирилди. Суҳбатда республика ва марказий рўномаларнинг вакиллари, оммавий-ахборот воситаларининг раҳбарлари, шунингдек «Вашингтон пост» газетасининг муҳбири Жеймс Рупер билан «Соудлик» радиостанциясининг муҳбири Тоҳир Умаров иштирок этидилар. (Журналистлар билан суҳбат тўғрисидаги ҳисобот матбуотда эълон қилинади). (ЎЗАТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Туркия Ташқи ишлар вазирлиги сийсий депортементи бош директори Б. Шимшар бошчилигидаги Туркия Жумҳурияси Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси Ўзбекистон турмуши билан танишди.

19 сентябрь кунин делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов қабул қилди.

Меҳмонлар янги шароитда жумҳуриятнинг ривожланиш истиқболлари билан таништирилди. Б. Шимшар Туркия Жумҳурияси Президенти Тургут Озалнинг, Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон жумҳурияти Президенти И. А. Каримовга йўллаган озақи табриқини топишди. Ҳар инни томондан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш мудооси назор қилинди. Шу кунин Туркия Ташқи ишлар вазирлиги делегациясининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ш. Н. Маҳмудова қабул қилди. (ЎЗАТАГ).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

«РЕСПУБЛИКАНИНГ» мустақил бўлганлиги Тошкентнинг раҳбарияти мустақил демократик давлатларга қўшилганлиги воз кичинин билдирилди — деди шу республика Президентини асосинин баҳаруачи Қадриддин Аслонов. Республика раҳбари шу фикрини ривожлантириб, мустақил Тошкент устунин итифозидан ташқари таъавур қилмаганини ва мустақил давлатлар тўғрисидаги шартномани тайёрлаш ҳамда уни республикаларнинг ҳар бири итифоқда иштирок этишининг шаклини мустақил танлаб оладиган тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шароитда имзоланиш тевлаштириш учун ҳаракат қилаётганлигини тевкидлади.

ЭСТОНИЯ СССР ташқи қарзининг бир қисминин тўлашнинг ўз зиммасига олиши лозим, деди ҳукумат бошлиғи Эдгар Сависар парламентда. Унинг фикрича, бу уланишнинг миқдори Эстония иқтисодининг қара учун ажратилган маблағ қанчаларини Мордовия ССР Олий Кенгашининг истеъфого чиқишга манбур этиш керак, деган талабни қўйдилар. Парламент иқтисодий ва иқтисомий соҳадаги қўлғина этилган муаммо-

ларини ҳал этишга қодир эмаслиги сабабли республика ҳокимига мақбул бўлмади. Олий Кенгаш биносинин яқин кунларда кечаю кундуз тўсиб қўйиш мўлжалланмоқда.

ҚОЗОҒИСТОН Президенти Н. Назарбоев Матбуот, телевидение ва радио зинтирини республика комитетларининг, матбуот ва бошқа оммавий-ахборот воситаларини давлат сирини сақлаш бош бошқармасини тугатиш тўғрисида фармон чиқарди. Бу мақсадларнинг ҳаммаси республика матбуот ва оммавий-ахборот воситалари вазирлиги илтибига берилди.

САРАНСК шаҳрида «Демократик Россия» ҳаркатиининг мақаллий бўлини томонидан ташкил этилган умумхалқий митинг қатнашчилари Мордовия ССР Олий Кенгашининг истеъфого чиқишга манбур этиш керак, деган талабни қўйдилар. Парламент иқтисодий ва иқтисомий соҳадаги қўлғина этилган муаммо-

ҒАРАЗ ТОШИ

- Андишанинг оти кўрқоқми?
- Тухматни касб айлаганлар.
- Тарих филдирагин тўхтаиб бўлмас.
- Яқдиллик — ғалаба нишонаси.



И. ЖИЯНОВ чизган расм.

УЛУҒ БАХТ

Мен истиқлолни олқийлайман, деҳдон халқининг миннатдорчилигини билдираман. Меҳнатимиз, курашимиз истиқлолга баҳшида бўлсин. Олий раҳбарият сийсатдаки, халқимизни истиғоятга мос иш юритяётган экан, умид қиламанки, иқтисодийда ҳам биз деҳқонларнинг экин-текинимизни ўзини сотиб барана топишимиз учун жонбозлик кўрсатади. Ваҳоб ЗОКИРОВ, Оқдарё районидаги «Янгиобод» жамоа ҳўжалигининг раиси.

Ушбу мақолани «очко» олмиш учун ёни кимларнингдир топшириги билан ёзайтганим йўқ. Ундай замоналар ўтиб кетди, шекилли. Ғанининг очиги, Москвада чиқяётган айрим матбуот нашрларининг Ўзбекистонга аёвсиз тош отишлари нафратимни кўзгади. Узларини ўта демократик деб ҳисоблайдиган мерказининг газет-журналлари олдин «Ўзбекистонда демократия йўқи», «Мустақиллик исқонжада», «Консерваторлар ҳукмрон», «Ўзбеклар марказининг кули» деб таъна қилишарди. Энди эса зўр бериб мустақилликка тош отишмоқда.

Во, ажабо, улар аслида бизлардан нима истайдилар! Ахир етмиш йилдан энди ўзбек халқининг ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилиб, миллат шайни, миллий турмуш шарҳат-сизларча оёқ-ости қилиниб келаятгани етмайди! Таъна ва тухмат тошларига қўйиб кетган халқининг таъни, боши лат егани билан иродаси бункигани йўқ. Оёқ-қўлларини билан гурури ва мардлиги йўқолгани йўқ. Ҳар қандай зулм, камситиш билан миллат барҳам тошмайди. Уйғонди! Узини, ўзининг таниш учун ҳам уйғонди. Уйғонмаган, уйғониб мустақиллик, оёздлик йўлида курашмаган халқининг боши эса таъна, тухмат ва ғараз тошларига нишон бўлади. Худо шундан асра-син!

Масалан, ўзбек халқига (асосан ўрта Осиё халқларига) тош отиш кўрғинида ҳамон «Комсомольская правда» газетаси ғолиблигини кўлдан бермай келаятир. Москва нисб кетса ҳам, совиб кетса ҳам (қорини оғриб қолса ҳам ред.) биздан кўришади. Елгон ҳабарларини сўраб-сўриштирмай уламасдан эълон қилишарди. Ҳатто элмонамининг улкан адиби Чингиз

Айтматовга ҳам бир неча бор тош отиб кўришди. Лекин ўзлари шарманда бўлиб қолмади. Ўзбеклар масаласида ҳам бир кун шундай бўлиши мўқаррар. Бир халқини ёмон отлиқ қилиб, тарҳи ва келажакини топтаб, бирор халқ доим «оппоқ», доим «ғолиб» бўлган эмас. Афсуски, бу «бахт», «маданит олиб келган», «улуғ оғамизга ҳам насиб этмади. Демократияни ниқоб қилиб олган янги империя тарафдорлари ҳам илтиларига етолмайдилар. Чунки, эзилган — уйғонди, йиқилган ўриндан туради... Шунингдек, «Собеседник», «Огонёк», «Известия», «Мегаполис-экспресс» редакцияларида ҳам кўзи ўтир қалам-кашлар, кечирасиз, тош отар мерганлар «ижод» қилишади. Улар ҳам жон-жаҳдлари билан республикамизни нишонга олиш учун тинимсиз тош ағдирмоқдалар. Бунинг учун ақлини ишлатиш шарт эмас. Чунки улар тош отмаган кунлари кесал бўлиб қолмади. Бундан ташқари маош, қалам ҳақи олишолмайди. Бирова тош отиб, дилини хира қилиб бўлса ҳам бола-чақани боқиб, яшаш марақ-ку! Бундай кун кўриш фақат марказдаги айрим журналистларга насиб этган. Шунинг учун улар бунини одатга, тўғрирогин, касбага айлантириб олган. Масалан, В. Винокутовнинг 14 сентябрда «Известия» газетасида эълон қилинган «Узилган вагон» мақоласи бунга арқин мисол. Муаллиф Тошкентда қандай ғараз мақсадлар билан келган бўлса, мақолада буларнинг ҳаммаси ўз инфодасини тошган. Мазкур газетани илгарин «Ўзбеклар иши» деб жар солган бўлса, энди юрт мустақиллигига таъжовуз қилапти. Чунки, юз йилдан ортқи турли-туман бебаҳо бойликларини юқодек ютиб келаятган таъинхўрларга айлбтте, мустақиллик ақмайди.

Қайта куриш жараёнида мустақилликнинг иқтисодий ётдаги илк кўринишлари намобон бўлаётган эди: деҳқонга ер бериш, шахсий ҳўжаликлар ёни корхоналар ташкил этиш ва ҳоназо. Лекин энг катта дардимиз, армонимиз давлат мустақиллигини бўлиб, не бахтин, унга ҳам эришдик. Мен да-

лаларда сувчиларимиз, тракторчиларимиз билан суҳбатлашганда уларни кузатаялман. Кўчаларда, йиғинларда гуруҳ-гуруҳ ешлар билан гап-лашиб кура-йилман — ҳаммасининг гаплари гурури, салмоқли: «Энди пахтаимизни ўзини сотамизми?», «Ҳукуматининг садағаси кетай, шу кунларга мушараф бўлиб турибмиз!» «Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Ўзбекистоннинг ҳам байроғи бўладими энди?», «Чет эллар билан бордик, келдикни ўзимиз белгилаймизми?»...

КЕЛАЖАК ОНАЛАР ҚУЛИДАДИР



● **Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроқ қисмини хотин-қизлар ташкил эса-да;**

● **Жумҳурият умумий аҳолисининг 40 фоизи болалар бўлгани ҳолда;**

● **Ишчи ва хизматчилар саломатининг тенг ярми аёл зотидан иборат эса-да;**

● **Соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият, ҳуқуқ ва адлия соҳалари хизматчиларининг 65 фоизи хотин-қизлардан бўлгани ҳолда;**

● **Қишлоқ хўжалиги юмушларини амалга оширилган тўртдан уч қисми аёллардан иборат бўлса-да;**

Жумҳуриятимизда хотин-қизлар муаммолари билан бевосита шуғулланувчи юридик кучга эга бўлган ташкилот йўқ эди.


Энди...

Ҳар қандай қадам эҳтиёж мавқедади, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, жумҳуриятимиз аҳолисининг ярмидан кўпроқни ташкил этган хотин-қизларнинг иқтисодий ҳаётида айниқса бугун жиждий эътибор, алоҳида парвариш талаб қилмоқда. Мазлум иқтисод ва ҳусусий сабаблар оқибатида аксарият аёлларнинг саломатлиги ва кун кечирish тарзи дилини хира қилса, баъзан берилган имтиҳонлардан айрилиб кетиши, оила ва бола тарбиясидаги ўз бурчини унутган хотинлар сифи қанчалик қорайганлиги кўнгилни хира этмоқда. Бу

гунги бозор иқтисодиётига тўғри келадиган болаёқ иқтисодий тангликлар мўҳлат билан бола боқётган захматқош аёлларимизни ишлаб чиқаришга бағдрокроқ боғлаб қўйган бир даврда энгил-елпи кун кечирishга ўр-ганган айрим хотин-қизлар бевасолик ва боҳайлик кў-часига кириб қолмоқда. Бу-ндай ғайриоддий ҳолатлар уларнинг ҳусусий ва шахсий

лиги, ўз жамғармаси йўқли-ги, яъни номи улус супраси қуруқлиги аъхиддан бугунги кунда аёлларимиз ҳуқуқини ҳимоя қилишда қўли қисқа-лик қилиб қолганди. Қола-верса, бундай жамоаларга сайланган фаоллар хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш йўлида ўзларининг асо-сий хизмат бурчини бажа-ришдан орттирган озгина вақтинчилига сарфлар эдилар,

тон аёлларнинг иштирок этишларини кенгайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, кўмига қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар билан Ўзбекистон Конституцияси доирасида ўз фаолиятини амалга ошириб, аёллар ман-фаатини ҳимоя этувчи, де-мократия ва ижтимоий адо-лат позициясида турувчи жа-моат ташкилотлари, парти-ялар ва ҳаракатлар билан ҳам-



Тургунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ ИМЗИ АНИҚ

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚУМИТАСИНING КЕНГАЙТИРИЛГАН ПЛЕНУМИ БУЛАДИ.

ишларига учинчи бир киши-нинг қонуний аралашувини тоқазо этаётди.

Тўғри, Ўзбекистонда бун-дай ҳолик хизмат тарафдо-ри бўлган фаолларни бир-лаштирувчи жамоат ташки-лотлари 60-70 йилда бери мавжуд. Бироқ аввал хотин-қизлар кенгаши, кейинчалик хотин-қизлар комитетлари деб номланган ташкилотлар баҳолиқудрат фаолият кўрсат-иб келди. Жонқуяр аёллар ғайрати билан ўзбек хотин-қизлари паранин ташлашди, қўлга китоб олиб, маъри-фатга йўл олди, уй остана-сидан жумҳурият Олий Кен-гашига бўлган катта йўлини босиб ўтди.

Лекин юқоридеги ташки-лотлар давлат тарихида қо-нуний-юридик кучга эга эмас-

корлик қилади.

Узининг ҳисоб рақами, ни-шон, муҳри ва ш зарра-сига ҳамда тамғасига эга бўл-ган бу кўмига жумҳурият ҳу-дудда ва унинг ташқарисида Ўзбекистон аёлларининг ято-на жамоат органи сифатида намоён бўлади.

Хотин-қизлар кўмитаси жу-мҳуриятимизда ижтимоий адо-лат ва демократия тантанаси қарор топиши йўлида фаол-лик кўрсатади. У аёлларни ижтимоий муҳофаза этиш, бо-зор иқтисодиёти шароитида уларнинг меҳнат ҳуқуқини таъминлаш, аёл мутахассис-лари етишувига ёрдам бер-иш, ишлаб чиқариш ва хў-жалик фаолиятларини таш-кил этиш ва уларни ҳимоя этишни ўз олдига мақсад қи-либ қўйган. Табиийки, оилани мустаҳкамлаш, аёлларнинг уй

сэй ёшлик даврига тўғри ке-лади. Еш хотин-қизлар билан ишлаб тоблган Лалӣхон Муҳаммаднова ҳам биз-нинг сафимизда. Шунингдек, Қорақалпоғистон жумҳурият, Тошкент шаҳар ва барча ви-лоятлардаги хотин-қизлар кў-миталари, шаҳарлар ва но-ҳиялардаги кенгашлар атро-фида ҳам элди обрў тогган, оқила ва жонқуяр фаоллар уюшган. Барча кўмиталарда ташкилий давр ниҳоясига етай

деб қолди. Энди нобат — амалий ишга.

Ўзбекистон жумҳурият те-гараси ва ундан ташқарида фаолият кўрсатётган давлат ва жамоат ташкилотлари, меҳ-нат жамоалари, фирмалар, акционерлик уюшмалари, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва ассоциациялар ҳамда ак-ка шахслар кўмигага аъзо бўлишлари мумкин.

Хуллас, ҳаёт манба бўлиши аёлни ҳурмат қиладиган ва

● **Она қалби битмас-туганмас муъ-жизалар манбандир.** // **Болалари бўла туриб зериккан аёл нафратта лойқидир.** // **Ўз эрини олга юрғазмаган аёл уми, шубҳасиз, ордага тортади.** // **Кимки уч қиз ўстириб, тарбиялаб, волга етказиб, муносиб жойларга узат-са, унинг муқофоти жаннатдир.** // **Қачонки эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига қарашса, Тангри ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди.** // **«ХАДИС» дан.**

АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ ХИТОЙ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Чет элдик ишбилармон-лар билан ҳамкорликда хў-жалик юритиш социал-иқ-тисодий муаммоларни ҳал қилишнинг маъбул усули-дир.

Денов районидagi Оқунобо-ев номи жамоа хўжали-ги бошқарувининг раиси, Ўзбекистон республикаси халқ ноиб Очилди Бобому-рдов яқинда Хитой халқ жумҳуриятида бўлиб, бу ердаги шарт-шароитлар, иб-риятли ишлар билан таъни-мий қайтди. Очилди Бобому-рдов Хитойнинг Хенду вилоятининг Дани шахрида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги бир неча шартномалар-ни тузишга эришди.

Улардан бири — Хитой томони Оқунобоев номи жамоа хўжалигига йилга 5 миллион донга гишт ишира-диган завод қуриб беришни ўз зиммасига олди. Жамоа хўжалиги эса хитойликлар-га 300 тонна пахта толеси беришга келишди. Бу хайрли ишнинг амалга оши-риши кўп жиҳатдан республи-кадаги масъул идоралар-нинг қўллаб-қувватлашига боғлиқ бўлиб турибди.

ГУШТ КОМБИНАТИ ҚУРИЛАДИ

Денов шаҳри санаятлаш-ган шаҳарга айланиб бормо-қда. У ердаги қорқона-ларнинг маҳсулотлари мам-лакатимиздагина эмас, бал-ки қўнига хорижий давлат-ларга ҳам чиқариламоқда. Яқинда шаҳарда яна бир қорқона қурилишига асос солинди. Бу лоиҳа-смета қиймати 7,5 миллион сум-ни ташкил этадиган гушт комбинати қурилишидир. 1993 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирил-ган комбинат ишга тушгач, суткасига 50 тонна гушт, 1,5 тонна қолбаса ишлаб чи-қариш қувватига эга бўла-ди. Бу янги ишюстини ку-риш ишларини механизаци-ялашган 280-кўча калон-нанинг Жавод Мелис бош-лиқ қурилиш участкаси олиб бормоқда.

ЕДГОРЛИКЛАРНИ АСРАЙЛИК

Қорғоғзи ва Нукус рай-онларидаги Қорақалпоғ ада-бияти Музеи Вердах но-ми билан аталувчи янгида ўрта мактаб жамоаси са-ноат қурилиш банкнинг Нукус шаҳар бўлимида очилган 700758 рақамли Вердах номи жағмарма-нинг ҳисоб дафтрасига пул ўнмаздилар. Маъжур жағмарма Тарих ва мада-ният ёдгорликларини сақ-лаш жамияти ҳузурнда ташкил этилган. Бундан бир неча кун илгари са-ноат-қурилиш банки «Ме-рос» жағмармасининг мах-сус ҳисоб дафтрасини оч-ган эди. Унга тушган пул-лар Қорақалпоғистон ҳу-дуддаги ёдгорликларни сақ-лаш ва таъмирлашга сар-фланади. (ЎзТАГ).

«Халқ сўзининг 14 август сонида рўзнома мухбири Х. Олимоновнинг «Рахбарлик куюшқондан чиқанди...» сарла-ҳали мақолиси босилган, унда Кўқондаги нотинч аҳвол тах-лил этилиб, шаҳар раҳбар, СССР халқ депутати Ю. Еқубов-нинг яққоқимлик ва бўйрқубозликка асосланган адола усу-ли оқибатлари ҳақида батафсил фикр юритилган эди. Шун-дан сўнг мушаррифлар тахририятга ҳат йўллар, қўнироқ қи-либ: «Азалдан имон-эътиқод, нафосат ва шеврият, эзгулик ва яхшилик мақоми бўлган машҳур шаҳарда нега шундай бўли-қудан куч республикамизда йўқми? — деб сўрашмоқда. Кўқонлик истаги эътиборга олиниб, Кўқонда воқеалар рн-вожи қандай аюулангани ҳақидаги ушбу мақола тейёрланди.

Шу йил 23 августда «Ком-сомолсояка правда» рўзно-масида «Садокат йўлида бўй-сундириш» сарлаҳали ма-қола босилиб чиқди. Кич-кик сарлаҳаси «СССР халқ депутати Ю. Еқубов Ўзбе-кистондаги кадрлар сис-те-сига ҳақида» деб номланган-ди. Мазкур муоҳабада Кўқон шаҳар Совети со-ғиқ раиси ва шаҳар партия комитетининг собиқ биринчи котиби республика баъзи раҳбарлари, Ўзбекистон халқ депутатлари ҳеч асо-сиз равишда қаҳр-ғазабни «тўғиб солар экан, шун-дай хулоса чиқаради:

«Мен бўйрқубозлик тар-тиботи қайта туғилди хав-фи бўлган республикага ошқоралик ва фикрлар хилма-хиллиги айниқса зар-ур деб ҳисоблайман. Ком-партия етакчи роль ўйна-ши керак, деган фикрда ҳамон қатъийман. Узим ҳам коммунистман, комму-нистликка қоламан. Бироқ ҳозирги пайтда комму-нист-раҳбарларнинг қайта туғилди хавфи ҳар қачон-дан кўра кучайиб кетди. Бундай қайта туғи-лиш ҳамма жойда рўй бе-раётти. Ҳокимиятга ком-мунистлар эмас, балки бир-қадримдан бўйин эгиб ке-ладиган садокатли киши-лар керак. Мен Ўзбекис-тонда ширавахўрликка қар-ши кураш ўрнига худди Рашидов пайтда бўлгани-дек оқил раҳбарликка ито-ат қилувчилар зарурлигини тушуниб етдим».

Ю. Еқубов «Комсомолка» қаламшаклари билан ўз сўхбатини шундай бош-лаётди: «Авалл бошқаноқ оқолантириб ўтмоқчиман: меннинг бу муоҳабам бир-он-бир одамдан ўч олди-ни кўзда тутмайди. Узоқ вақт индамай келдим, эн-дликда сукут сақлай ол-майман».

Кўқондаги «Ҳоким» тил-еграмалик қилганлиги, носам-ий тилда гапирмоқда, ас-лида унинг асосий мақса-ди қасоскорликдир.

Еқубов билан аввалдан танишман, бир неча бор уч-рашган, сўхбатда бўлганман. Тўғрироғ, сўхбатимиз қо-вушмаган, негаки ҳар гал унинг узундан-узоқ нутқи-ни эшитишга тўғри келган. Узини мақаш, бошқаларни ялнисига қоралашдан ҳеч тил тортмайди. Мақтанчоқ-лиги эса чек-чегарасиз: «Мен Бақатин ва Путо бил-дан дўстман, Рижов ва Лигачёв мени ниҳоятда ҳур-мат қилишди... Давлати-мининг жамини биринчи шахслари ҳузурига тўпа-тўғри кириб бораверман.

эди, — деб эслайди милли-ция старшинаси, йўл-назо-рат хизмати инспектори Маъруф Зокиров. — Рўз-матовнинг лавозимдан чет-лаштириш тўғрисидаги ва-зирнинг ноҳақ бўйруғи мен-га ана шундай тазсир қил-ди. Шаҳар бўлимида 1984 йилдан бун ишлабман, ана шу даврда кўп бошқилар алмашди — тасофиб киши-лар эди улар. Фақат Рўз-матов келгач, ўзимнинг ҳа-лиқий ҳодимлар сифатида ҳис эта бошладим. У талаб-чан, ишни пухта билади, ғамхўр, сезгир инсон. Ҳа-ма гангилар уни ҳимоя қи-лиш йўлига ўтдилар, иш ташлаганлар қаторига қў-шилдилар. Рўзматовни ас-тойдил ёмон кўрадиган Еқубов эса ғалабачиларни оташин насихатлар ва нутқ-лар билан ўз майлига кўн-диришчи бўлди. Ҳеч ким унга қўлоқ солмади, чунки ҳамма ким қанақалигини тушуниб етган эди...

ИШ ТАШЛАШ

ЕҚУБ ҚУҚОН ШАҲАР МИЛИЦИЯ ВУЛИМИ ХОДИМЛАРИ СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ Ю. ЕҚУБОВНИНГ ЯҚҚАБОШЧИЛИГИГА ҚАРШИ ТУРИБ ЎЗ РАҲБАРЛАРИНИ ҚАНДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШТИГА ҲАҚИДА ҲИМОЯ

Хар қалай, таъкидлаб ўтиш керак: иш ташлашнинг кўчилиги барибир энгилмас керак, деган ҳа-лда эди. Еқубовнинг қат-талар билан алоқаси зўр, вази В. Камолов. — Пре-зидент кенгаши аъзоси... Бинобарин, мулоҳаза юри-тишарди улар. Президент Каримов ўзига яқинлари хафа қилмади. «Бирқоқ ҳамма ҳодимлар ишдан ке-тишга, милиция сафларини тарк этишга тайёр эдилар, аввжга чиқайтан адолат-лиқ билан мурося қи-лишни асло исташмасди, — деди менга милиция капи-тани Холмат Эргашев.

Рўзматов босинглиги, осийшга табиати билан ажралиб туради. Унинг кў-лари тиниқ, аммо бироз чар-чаган кўрилади.

Рўй берган жамини ҳодисага, — деди у. — Мен билан Еқубов ўтасидангина эмас, Еқубов билан ҳуқуқ-нинг муҳофаза қилиш идо-ралари, шаҳар аҳолиси бун-сидега келишимчиликни бу-ғач асосий сабаб. У халқ ишчилардан бутунлай маҳрум бўлганди.

«Иш ташлаш ҳақидаги видеомаатериали сингиллаб кўздан нечираман.

Шаҳар ички ишлар бў-лимининг иччари ҳовлиси. Милиция ҳодимлари сафда туришди. Улар нимадан-дир хавотирда, айни пайт-да ўз кўришларини билан қандайдир ноҳус воеқани кутшаётгандек эди. Еқубов овоз кучайтиргични оз-зига тўғрилаб нутқ сўз-ларди. Шаҳар «Ҳокимия-

тинмай жаврарди, гўё на-фас олмаётгандек, кўзлари эса ҳовлини олазарак неза-ди. Атрофидagi нарсалар, плакатларга баъзан диққат, баъзан эса шубҳа билан тикилиб қолар, ҳожида унинг ниҳонги бир нунтада тўхта-турарди. Тўғри бошқа ола-ми кезаётгандай, жисмонан бу ердао фикран бошқа ер-да бўлгандек.

Оператор камерани қўл-да қилиган плакатлар бил-дан «безалган» бияо девор-ларига тўғрилади.

«Рўзматов! Халқ милли-цияси сиз билан бирга!» «Еқубов! Маъмурий идо-ралар фаолиятига бурнин-гизни сукманг!» «Вазирнинг қонунсиз бўй-руғи бекор!» «Эркинда яна Еқубов кў-ринади. У нимадигар гапи-ралипти: Улар (милиция, де-моқчи — А. К.) тарафида бўлсам-у, менга қарши чи-қиса-й, Рўзматовни иш-дан олишганидан бехабар-

қилиш ҳақида шовилчи-нома етиб келади бу ерга... Кўлги... Норғитовнинг шаҳар ми-лиция бўлими шахсий тар-киби билан гапи қовушма-ди. Унинг сўзлари норозо овозлар орасига қўмилиб кетди.

3. Тишининг тишинга қўйиб, сукут сақлаб, сени булар-булмага балчиқа қорштириб ташлашга тай-ёр турган ҳокимиятларас-тир олдига қўриқан тошба-қадек бошингни ичкари тортиб ишлаш жуда оғир экан, — дейди Шуқрулло Рўзматов. — Еқубов билан қомаддагидек муомала қи-либ бўлмайди, қонун, маъ-навиятга асосланган тўқна-шиш нуктасини топиш ум-уман мумкин эмас эди.

Ҳа, Рўзматов шаҳар Со-вети раиси билан қишича олмади. Негат? Рўзматов ҳам нарсала қонунчиликка қилиш ҳақида шовилчи-нома етиб келади бу ерга... Кўлги... Норғитовнинг шаҳар ми-лиция бўлими шахсий тар-киби билан гапи қовушма-ди. Унинг сўзлари норозо овозлар орасига қўмилиб кетди.

15 май. Норасийлар эко-логик жиҳатдан зарарли ин-шоқт қурилишига қарши но-розиллик билдириб, очлик эълон қилдилар. Еқубов ми-лиция уларни бевозта қил-масин, дея бўйрқуб берди. — Биз куч ишлатмоқчи эмас эдик, усулмиз — ишонтириш, — дейди Рўз-матов. — Еқубовга худди шундай дедим. Мана унинг жавоби: «Елворшининг хо-жати йўқ, шовинг кўтара-версинлар, ахир, улар рес-публика раҳбарлари йўл-дошев, Ефимов...ни таъқиб қилишда-да».

17 июль. Шаҳар ички ишлар бўлимига Еқубов ва вази Рўзматовнинг Кўқон Боймудролов келиши, улар ҳодимларнинг шахсий тар-кибига бўйруқни ўқиб эшит-тиришлари ҳамда янги бош-лиқни таништиришлари ло-зим эди. Ташриф бюорган-ларнинг сўзларини ҳеч ким эшитишни хоҳламади, ми-лиция иш ташлади. Рўзма-товни ўрнига тиклаш, Еқубовни шаҳарга раҳбарлик-дан четлаштириш талаби ил-гари суринди. Шунда Еқубов саросимага тушиб ёқ-ди, ўз тандири ҳақида таш-виш торта бошлади, тиле-ғамалик қилиб милиция та-лабиди эканлигини ибот-лашга уриниб қўрди.

Шаҳар бўлими ҳодимла-рини ҳеч ким билан гап-ла-шишни истамадилар, чунки ҳеч кимга ишонмасди. Иш ташлаш комитети аъзо-лари республика Президенти қабулида бўлишга эри-шиш ниятида эдилар, у-ларнинг Ислам Абдуғаниев Каримовнига рўй берган мо-жаро моҳиятини тўғри ту-шуниб етиши мумкин, деб билишарди.

Наман Абдуллоев, ми-лиция катта лейтенанти: — Тошкентга; Президент қабулига борган олти ҳодим орасида мен ҳам бор эдим. Ислам Абдуғаниевчи биз-ни очиқ қўнғилилик билан жуда илиқ қутиб олди. Чой

севадиган ҳар бир киши учун эшигимиз (манзилқоҳимиз: 700017, Тошкент шаҳри, Ле-нин кўчаси, 15-уй) очик. Ўз қадрига қайишадиган барча аёллар учун кўмитада хиз-мат бисёр. Амалий фаолият маъмуни ва режиси бугун бў-ладиган катта аюуанда яна-да ойданлашуви аниқ.

Д. ҒУЛОМОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг му-вини.

— Президент қабулида мен ҳам бўлган эдим. Унинг сезгир эътибори ва адолатли инсон эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Мар-казий матбуотда Президент эътибори ҳақида жуда кўп бўл-магур нарсаларни ёзишга кўтариб қўйишди. Нима учун, сиз, ўзбекистонлик ра-ламқашлар, бундай гар-бали ҳаммаларга зарба бер-майсиз?..

Еқубов фаолияти ҳақи-да жуда кўп гапириб, ёшиш мумкин. У «миллий анъ-аналар» белгиси остида ша-ҳарда очилган-очик ҳура-риштиришларни раббатлан-тирган, «устомоналар» бун-дан мўмай даромад қилган-ликлари, соврин сифатида шаҳар фондида автомо-биллар олганликлари ҳақи-да батафсил ёса бўлади. Еқубов, масалан, болалар боғчалари қуриш ўрнига ўз назарида жуда зарур ҳис-обланган Кўқоннинг 12 дарвозасини тиклашга қар-ор қилиб ҳамшаҳарларини хайратга солди.

Далилар, далилар, да-лилар! Улар ҳалдан таш-қари кўп. Бирортаси ҳам шаҳар Советининг собиқ ра-исини фойдасиз хизмат қил-майдди.

«Бирлик» аъзолари Еқубовнинг гашига теги-шарди, улар ҳақида гап очилиши биланқоғаз кўз-қарди. — дея ҳоким қил-ди Ш. Рўзматов. — Еқубов бирликчиларни жилов-лаш, қамонқа ташлашни та-лаб этади, ҳеч вақт улар-ни тушуниши келмаган. Эн-дликда, амалдан маҳрум бўлгач, норасийлар олди-да ялтоқланапти. Бундай хатти-ҳаракатини тушуниш кийин эмас, чунки улардан ўз максалдарни йўлда фойдаланмоқчи... «Комсо-молсояка правда» билан бўлган муоҳабада у ко-миссия келган кун «Исно-вият ва меҳр-мурувват» ха-ракати аъзолари очлик эълон қилишганини айтди. Йўқ, очликни билдикчилар эълон қилишганиди. Еқубов эса уларни таъкибчи юбо-тин, қалтаклаш, намашга фавқойиш берганди. Қўра-мизки, хавақатларни ам-лаштириватгани бечиз эмас — эндиликда «Бирлик» на-талимоччи, тўғрисиини айт-са Ҳагга кийин.

«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.

А. КОВАЛЕВ.

ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДА

Абдуллаев номли жамоа хўжалигининг 9-бригадасида меҳнат қилаётган йўлдош ама Хасанов яқинда жамоа кассасидан июль ойининг маошидан ташқари бир ярим миң сўмдан эъди пул олди. Бир йўлдош шундан айтиш керакки, йўлдош ама Хасанов бу ерга бориб қолган бўлса-да, меҳнатда бўш келмайди. Шунинг учун ҳам унинг ойлик маоши ҳаммаикидан кўп.

Лекин қўшимча бир ярим миң сўм қардан келиб қолди, дегиси? Бу Хасановлар оиласи ўз томонидан етиштирилган ортиқча маҳсулотни тошпириш учун тўланган ҳақдор. Ўтган ойнинг бошида томонрақа экинлар помидор, булгур қалампир, аччиқ қалампир ҳосили етилиши билан Хасановлар оиласи жамоа хўжалигини идорасига хат ёзиб, ортиқча маҳсулотни тошпириш истагини билдирди.

Жамоа хўжалигида жорий қилинган тартибга биноан Хасановлар аризаси кўриб чиқиши учун махсус комиссияга тошпирилди. Комиссия бошлиғи — маҳалла комиссиясининг раиси Қурбон Ҳайдаров кенгашнинг бошқа аъзолари билан бирга ўша кунлик Хасановларнинг борди. Комиссия аъзолари ҳосили кўздан кегириб, нархини чиқаришди. Йўлдош ама оиласи 60 тийиндан 350 килограмм помидор, 2 сўмдан 600 килограммга яқин булгур қалампир, 50 тийиндан 285 килограмм аччиқ қалампир тошпириди.

Савдо пиллаш, молни жамоа хўжалигининг марказий оморига олиб бориб тошпириш қолди, холос. Бунинг учун эъди жамоа хўжалигининг ўзи бош қотиради.

Очирини айтсам, томонрақа нега бунчаллик кўп аччиқ қалампир етиштирилди? Йўлдош амадан сўраб-суриштиришим келарди. Помидор, булгур, қалампир, аччиқ қалампир — бу ўз-ўзидан маълум, лекин шунча қалампир нимага керак? Бунинг аjoyиб тарихи бор экан. Йўлдош ама харбий хизматни Украинадан ўтаган. Хизмат тугагандан кейин эса жангчи ўзини ёқиб қолган қайлиғини жонанжон қиллоғига олиб келган. Шундан бери Йўлдош ама билан Галя опа аҳил яшаб келишмоқда. Уларнинг етти фарзанди бор, ҳалқимиз таомлига биноан

уларни меҳнатсевар қилиб, катталарга, ҳалқимиз урф-одатларига ҳурмат рўйида тарбия қилишмоқда. Галя опа оилада «бош агроном». Унинг саяёҳаракати билан томонрақа аъло сифатли маҳсулот етиштирилади. Аччиқ қалампирга келсак, жамоа хўжалигида замонавий консерва заводи қурилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш учун кўплаб аччиқ қалампир талаб қилинганда, корхонага ушбу маҳсулотни етказиб беришни Хасановлар оиласи ўз зиммасига олди. Ана шунда Галя опа бор маҳоратини намойиш қилди, чунки бу экин Украинада жуда кенг тарқалган.

ри бўлса, нархи ҳам шунча баланд бўлади. Томорқа эгалари олган даромадларни ўз хўжалиklarини кенгайтиришга сарф қилишлари, — деб сўзидан давом этади қишлоқ шўросининг раиси. Ҳозирги кунда 40 та хонадонда иссиқхона бор. Уларни қуришда биз ҳам, жамоа хўжалиги таънис маҳсулотлар маъмур иссиқхоналардан пировард натижада шахарликлар дастурхонига етказиб берилди.

Ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тошпиришнинг руҳиятига кўз югуртирсангиз, Юнусобод қишлоқ шўроси ҳудудда

минерал суви чиқараётган. Жама маҳсулот 30 хил. Жамоа хўжалигида қурилган кичик корхонанинг имконияти мана шундай каттадир. Ўтган йили завод 500 миң сўм соф фойда кўрди. Шаҳардаги урта махсус дўкон 800 миң сўмлик маҳсулот сотди. 200 миң сўм соф фойда олинди. Жамоа хўжалиги ўтган йили 2 миллион сўм соф фойда олди. Хўжалик бор-йўги 300 гектар ерда деҳқончилик қилишга яна бир бор диққатни жалб қилмоқчиман.

Жамоа хўжалиги ҳақида ҳақоқ қилар эканми, унинг собиқ раиси, ҳозирги кунда эса Тошкент район фирқа кўмитасининг бирин-

жалиги атрофидаги хўжаликларга иқтисодий юксалиш йўлини кўрсатиб турибди. Қўшни хўжаликлар бу хўжаликлардан ўрнак олаётдиларми?

Бунда бировни кўндиришга, бирор нарсани ишот қилишга ҳожат йўқ, — дейди Тошкент райинқорқўми раиси муовини Сирожиддин Аъзамов. — натижаси ҳаммининг кўз ўнгига. Шунинг учун ҳам район раҳбарлари биринчи навбатда хўжаликларга консерва заводи қуриш, уни жиҳозлашда ёрдам бермоқдалар. Бундай заводлар «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Навоий номли жамоа хўжаликларига, Абдурахмонов номли, «Тошкент», «Ленинград» шўро хўжаликларига ишлаб турибди. Вақти келиб қайта ишлаш корхоналари Тошкент районидан барча хўжаликларда қурилади. Маъжуд корхоналарнинг ўзи етиштирилган мева-сабзавотнинг 70 фоизини қайта ишлаш мумкин. Нима сабабдан аввал қайта ишлашга аҳамият бердик? Биринчидан, ирофгарчиликка чек қўйилди. Иккинчидан, консерва батамом хўжалик ихтиёрида қолади, демак, бошқа маҳсулотга айирбошлаш мумкин. Учинчидан, консерва заводи томонрақчиларни кўпроқ маҳсулот етиштиришга ундайтиди, бу билан истеъмол бозорига мол кўпаяди, демак нарҳ-наво пасаяди.

Ўз-ўзидан маълумки, истиқболни кўзлаб, бир неча йилга мулккаланган бу ишни биз районимиздаги қишлоқ шўролари билан биргаликда амалга оширяптим. — деб сўзидан давом этади. Сирожиддин Ҳидоятчи. Худди мана шу қишлоқ шўролари деҳқонларнинг ортиқча маҳсулотини тошпиришга рағбатлантиришлари лозим. Бунинг учун уларга кенг ваколат берилган. Қишлоқ шўролари маҳсулот тошпиришга ўрта-сида камб молларни, гилам, палос, музлаттич, телевизор, кир ювиш машинаси — тақсимлайдилар, қуриш моллари, ем олишга ёрдамлашдилар ва ҳоказо. Яқин орада ушбу хатти-ҳажаратимиз кутлган натижа беришга ишончимиз комил.

А. ТОШКЕНТБОВЕ,
«Халқ сўзи» ва «Народное слово»нинг Тошкент вилояти бўйича мухбири.

Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжалигининг тажрибаси районда кенг ёйилмоқда

Хасановлар оиласи тошпириш маҳсулотга қайтаётган. Уни қайсқа жўнатиш дейини? Марказий оморда маҳсулотни саралаб, бир қисминини шу заҳотиёқ ё томот ва шарбат олиш учун ёки тузлаш учун консерва заводига юборилади. Маҳсулотнинг сараси, 80 фоизга яқини Тошкент шаҳрининг Киров районида жойлашган хўжалигимизга қарашли ўрта дўконга юборилади. — деб ҳўқоқ қилади хўжаликнинг бош ҳисобчиси Миржалол Ёқубов, — бир сўз билан айтганда, аҳолидан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш, уни ўзимизда қайта ишлаш ёки ўз дўконларимиз орқали шаҳарликларга сотиш хўжалигимизда яхши йўлга қўйилган. Бу аҳоли учун ҳам, хўжалик учун ҳам қони фойда.

Томорқа эгалари олдида битта талаб қўйганмиз, — дейди Юнусобод қишлоқ шўросининг раиси Ботир Раҳимов, — маҳсулот сифатли бўлиши керак. Шу неча-кундузда хўжалигимиз ҳудудда жойлашган 700 хўжаликнинг ҳаммасини-да фақат сифатли мева-сабзавот етиштириляпти. Бунда моддий рағбатлантириш тартиби қўл келди: маҳсулотнинг сифати қанча юқо-

аҳолининг деярли барчаси деҳқончилик қилиб, маҳсулот тошпираётганликларининг шохиди бўласиз. Хўжаликнинг бош ҳисобчиси Миржалол Ёқубов шундай бир рақам келтирди: хўжалик ўтган йили аҳолидан 400 миң сўмлик турли-туман мева-сабзавот сотиб олган.

Жамоа хўжалиги бундан маълум бир наф қўришини ҳам мўлжаллаган, албатта. Шунинг учун ҳам бу ерда сарфланган ҳар бир тийин фойда келтиришни шарт, деган қондага қатъий амал қилинади. Олинган фойда ўз навбатида яна ишлаб чиқаришга сарфланади. Шундай қилиб, деҳқончилик қилиш учун бор-йўги 300 гектар ери бўлган ушбу кичик хўжалик шахдам юксалиб, миллион сўмлик даромад қилаёпти. Хўжалик истиқболни кўзлаб, тараққитинг замонавий усулларини таллашганини айтиб ўтиш жоиздир. Танланган худди мана шу йўл унчалик қўлай шароитга эга бўлганга жамоа хўжалиги замонавий консерва заводи қуриш имкониятини берди, завод йилга 5 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқаради. Маҳсулотнинг тури ва сифати кўни қувонтиради. Завод тузлама, мураббо, шарбат, томот ва ҳатто...

чи котиби ва район советининг раиси бўлиб ишлаётган Рустам Раҳимовчи Абдураҳимов эслаб ўтмасан бўлмас. Тиниб-тинчмас, серғайрат раис туфайли жамоа хўжалиги оёққа туриб, иқтисодий жиҳатдан бақувват, сердаромад хўжалигига айланди.

Хўжалик юксалишига фақат ишбилармонлик ва савдо-сотиқ асос бўлган йўқ, албатта. Ахир ҳосилин етиштириш, тананҳарн камайтириш керак. Айна замонда давлат бююртмасини бажариш, консерва заводи талабини қондириш, қишга сақлаб қўйиш керак. Айтганда, хўжаликда 4 миң тонна маҳсулот синадиган омор қурилган. Агар йилги хўжаликда маҳсулотнинг намида 10—15 фоиз исроф бўлган бўлса, эндиликда исрофларни қисқартди.

Хўжаликда ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш нечоғлик аниқ йўлга қўйилганини, бу иш деҳқонлар учун қанчаллик қўлай эканлигини кўрсатган қўшни хўжаликлар деҳқонлари ҳам ўз маҳсулотларини тошпириш истагини билдирдилар. Бу талабни рад қилишмади: ўзларо манфаат келтирсе, нега шартнома тузмаслик керак?

Бугун шунки комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ғ. Абдуллаев номли жамоа хў-

Депутатлик ҳаловат эмас

Депутатнинг 28-участка сайловчилари билан учрашувни кўзгнн ўтди. Нотқларнинг деярли ҳаммаси шаҳарда чайқовчилик қилиб кетгани ҳақида қўниёқ гапирди. Масалан, папирос ва сигарета олиб сотувчилар ҳар қандамда пачкасини уч сўмдан ҳеч тап тормай пуллашаётганини айтишди. Миллиция капитани кийимиди депутат — Ўрта Чирчиқ район ички ишлар бўлимининг участка вакили Маҳмуд Умаров уларнинг сўзларини эшитибгина қолмасдан, ён дафтарига ёзиб ҳам олди. Ўш бир ерга бориб қолган аёлнинг қишини айнасида кўриб олди. Яқинда у шаҳар кўчасида безориликка дуч келди. Айтишга қараганда, унинг ўзи рўпарасида уч ўсимир бир маст эркакни чалиб йиғитиб, чўнтагидаги бор-йўгини шилиб кетибди.

Нар-кенгаши жуда яхши самарга берган. Бундай йиғиннинг ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркибини тарбиялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бошқармаси бўлган. Миллиционерия депутат қилиб сайлаган ҳақдинг умидлари катта. Бунинг семинарида қатнашган 80 кишининг ҳар бири яққод ҳис этди. Погон таққан баъзи депутатлар вақт танқислигидан ўз бурчларини унутиб қўллаган эдилар. Семнар-кенгашдан сўнг уларнинг Советлардаги ишларга, халқ вақли сифатиди вази-фаларига муносабатлари бутунлай ўзгарди.

Ҳақдинг ҳар томонга пўтраб кетмоқдалар. Бирини Тошкентга, иккинчисини Олма-атага, учинчисини Россияга... Нариндошлик рияшларини алоқалар узилмоқда, тартибга ҳурмат қолмаётти. Тўғри, районда ҳамки қалава ишлаб чиқариш фабрикаси қурилмоқда, аммо у 1994 йилга бориб тайёр бўлади... Муаммолар, муаммолар... Бироқ улар ҳақида ўйламасан, кун тартибига қўймасан, деб ҳисоблайди депутат, у ҳолда депутатлик қоруси, совет ҳўқимияти нима иш қилиши керак?... Умаровнинг қатъийлигини, муаммолар ечимини чўпиш йўлидаги собиққадимлиги ақълиқда ҳурмат уйғотмоқда.

ФАҚАТ ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

Жиноятчиликка бўлган ишонч уларнинг юзларини кўра олмади. Тўйтепада ҳаммадан таъиниман, ба-дирган, номаъмулчиликдан тўхтатиб қолган бўлардим. Бироқ нима учун кўчамизда чирқолар ёнмайди? — алам билан ақунлади сўзини намшир.

Бўлиб ўтган бу ҳодисадан қапитаннинг хабари бор эди. Эракчи талаган ўсимирлар ҳали топилаганлари йўқ. Орадан бир неча кун ўтгач, район совети сессиясида депутат Умаров кўчаларни ёритиш масаласини кўтарди. Район марказидаги кўпгина кўчаларнинг қоронғилиги, баъзиларида ҳақиқатга ҳатто фонуслар ўрнатилмагани негадир «Тойтасавет» бир-лашмасини ташвишлантирмаётти, деди депутат. Кўп ўтмай Тўйтепанинг энг хилват кўчаларига чароғон бўлди.

Қўнубзарликнинг олдин олиш миллиционерия участка вақилари фаолиятида асосий ўрнини эгаллайди. Шаҳар ҳудудда рўй берган жиноятни Умаров ўз ишида йўл қўйилган ҳақо деб ҳисоблайди. Милодомки, шундай жиноят содир бўлган экан, уни оғиш, айбдорни топиш лозим, суд қилишга яраша жазосини берсин. Бу гапда ҳам чўқур матно бор — биронта жиноят оғилмай қолмасин. Масалан, Навоий кўчасидан Пан М.нинг хонадони ўриланганида худди шундай бўлди. Қароқчи Рустам Имомов иккинчи йилга озодликдан маҳрум этилди, у ўғирлаган мол-мулк ва қимматбаҳо буюмлар жиноят рўй берганидан бир неча соат ўтгач, эгасига қайтарилди. Бунга қандай ёришилди? Ана шу саволимизга М. Умаров жавоб бермади, аммо унинг, миллиционерия фаолиятида энг асосий нарсаси ҳақиқда, жамоатчиликка таъини эканлиги аниқ ва равшан.

Бундай нохуш аҳвол рўй берётганига сабаб нима? Ўсимирлар турмуш тарзига доқайд муносабат натижаси. Ёшлар бўш вақтларини қандай ўтказишни билишмайди. Мақтабдан кейин улар кўчада санқиб юришади. Тўйтепада кичик корхона очилса, ўсимирлар ишга жалб қилинса, ўзларига ҳам, жамятига ҳам фойдали бўлади-ку... Депутат бу масалани район раҳбарияти олдида бир неча бор қўйди. Ёшларни меҳнатга жалб қилишдан туриб бу муаммони ҳал этиш қийинчилигини аниқ ҳисоб-китоблар билан исботлаб берди. Район марказида атиги битта ўйингоҳ бор, маданият саройи ўзи яқин йилдан буюн қуриляпти. Чала буюн турли-хил номаъмулчиликлар учун хилватхона бўлиб қолди — йил бошдан бери бу ерда икки маротаба зўрлаш тўғрисида на клублар, на дискотекалар бор, энг муҳими — иш йўқ. Шу сабабдан ўрта мактабни тугат-

ДАСТЛАВКИ МИЛЛИОН СЎМ

Қашқадарё вилоятидаги Карл Маркс номли давлат хўжалиги далаларида хўжалик хирмонига дастлабки салкам бир миң тонна уруғлик пахта келтирилди. Теримчилар дастлабки миллион сўм пулни ишлаб топиб, далалардан ўтган йилдаги нисбатан кўпроқ сара уруғлик пахта териб олдилар.

Механизаторлар ҳам теримчи бошлашга тайёр туришди. Улар 21 та пахта териш машинасини шайлаб қўйишган. Дастлабки терим туғганидан сўнг механизаторлар иш бошлайдилар. Маъсумнинг сўнги босқичида тўкилган пахтани терадиган машиналар ва кўрак чувиш машиналари ишга солинади. Давлат хўжалиги бу йил пахтаден камда 8 миллион сўм даромад олишни мўлжалламоқда. Бу пул асосан ижтимоий дастурни бажариш ва пахта тозалаш заводи қурилишига сарфланади.

ҚИШГА ТАЙЁРГАЛИК

Оқунбобоев районидagi «Намуна» жамоа хўжалигида новослар тез семирмоқда. Сигирлардан эса мўл сут олинмоқда. Йил охиригача ҳар сигирдан 3100 килограммдан сут соғиб олиш мўлжалланмоқда.

Жамоа хўжалиги ем-хашак етиштирувчилари ферма ишидаги ана шундай барқарорликни таъминламоқдалар. Улар бедани беш марта ўриб олдилар ва табий ўтларни ўриб гамашини давом эттирмоқдалар. Кўк ўтининг бир қисми шу заҳоти озуқа цехига юборилади. Бу ерда ундан сигирларга тўйимали озуқа тайёрланади. Операторлар ем тайёрлашда иккинчи жиҳатдан асосланган таъсиларга риоя этишга алоҳида эътибор беришмоқда.

Хўжаликда қишлоғга қизгин тайёргарлик кўриляпти, молқонлар ремонт қилинмоқда, механиклар молларга озуқа тарқатадилар ва биналарни тозалайдиган техникани сошлашляпти. Жамоа хўжаликларни қуришлари бу ерда ишончиларнинг шахсий фермаларини ҳам эътиборден четда қолдиришмайпти, чунки улар ҳам қорачилик маҳсулотлари етиштиришда барқарор ҳисса қўшишмоқда. [ЎзТАГ мухбири].



1. Арнасой ноҳиясидаги Бобо Файзиев номли давлат хўжалигининг илгор теримчиси Зербува Алиева. Бу чевар теримчи мавсумда беш тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилган.

КАСБИ-КОРИМ, БАХТИМ МЕНИНГ



2. Иштихон ноҳиясидаги «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалигининг Қилич Сатторов бошлиқ звено жамоаси мажмаъхўркорчилигини ўзларига касб қилишган. Ушбу звено бошлиғи Қ. Сетторов: — Маъжуд 12 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан дон, 240 центнердан кўк масса етиштирямиз, — деди ишонч билан у.

3. Бувайда районидagi «Союзпечать» жамоаси ходимлари 1992 йил рўзнома ва ойномаларга обина қилишни намунави олиб боришмоқда. Сараловчи Мамлакат Бёрдиева микроларга хизмат кўрсатаяпти.

4. Ўзбекистон районидagi улгурчи савдо корхонаси қошидаги тинувчилик цехининг илгор чеварлари Муслима Рўзиматова ва Мавлуда Хошимовалар ўзларига берилган режа ва тошпиришларни мўддатидан олдин сифатли банвариб микроларнинг ҳурматини қозонмоқда.

5. Оқтўбрий революцияси ордени «Бешариқ» совхози Киров районидagi пеш қадам хўжаликлардан бири. Қишлоқ хўжалигида ўзини оқлаётган ижара пудрати бу ерда ҳам кенг қулланилмоқда.

— Бу йилги мавсумга ўзгача тайёргарлик кўрдик, — дейди хўжалик директори, жумҳурият Олий Кенгаши депутати Турсунали Бараншор. — Ижарачилар таъриба ўнвирини ташкил этдилик. Илгор ижарачиларнинг иш услублари кенг оммалаштирилди. Нав танлашда ҳам шойимладиқ. Уста пахтакорлар билан маслаҳатлашиб, чигитини эртанишар ва вилъта чидамлиларни ёз йўли таъин қилишди. Мана эгаларди. Режадаги 30 центнер ўрин-гектар экин майдони 3.850 нафар ижарачига бўлиб берилди.

Ижара пудратининг асосий негизи на қутилгандан ҳам юқори бўлмоқда. 34 ижарачи биринчи теримдаёқ шартномада қўзда тутилган марраани йилга ёз йўли таъин қилишди. Мана эгаларди. Режадаги 30 центнер ўрин-гектар 32-34 центнердан ҳосил олинди. Рў-



6. Оқтўбрий революцияси ордени «Бешариқ» совхози Киров районидagi пеш қадам хўжаликлардан бири. Қишлоқ хўжалигида ўзини оқлаётган ижара пудрати бу ерда ҳам кенг қулланилмоқда.



7. Оқтўбрий революцияси ордени «Бешариқ» совхози Киров районидagi пеш қадам хўжаликлардан бири. Қишлоқ хўжалигида ўзини оқлаётган ижара пудрати бу ерда ҳам кенг қулланилмоқда.

ИЖАРАЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Оқтўбрий революцияси ордени «Бешариқ» совхози Киров районидagi пеш қадам хўжаликлардан бири. Қишлоқ хўжалигида ўзини оқлаётган ижара пудрати бу ерда ҳам кенг қулланилмоқда.

Зимат Нуралиев, Раҳима Рўзиматова, Одина Волтабоева, Тўхтасин Отабоев, Сурма Умрқулова каби ижарачилар ҳосилдорлиқни 36 центнерга етказиш учун терим суратини тобора қизитишмоқда. Бу йил давлатга 12.420 тонна пахта тошпириш режалаштирилган хўжалик кўзлаган мартан 15 октябрга қадар эгалашга қарор қилган. [ЎзТАГ мухбири].

ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

Жумҳуриятимиз Олий Кенгашнинг Соғлиқни сақлаш, ҳотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш қўмитаси бир неча қонун тайёрляпти. Ушбу қонунлар жумҳуриятимизда соғлиқни сақлаш ишнини тубдан ўзгартриб юбориши керак.

Кўмита котиби, Ўзбекистон халқ депутати Фарҳод Фўзайлов мухбиримизга маълум қилишча, мутахасссларнинг асосий диққат-эътибори жумҳурият аҳолисининг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасига қаратилган. Ушбу қонунни тайёрлашда ва унинг муҳоказасида илимий-тадқиқот институтларининг мутахассслари, соғлиқни сақлаш ташкилотчлари, тиббиёт ходимлари, касба уюшмалари вакиллари қатнашмоқдалар.

Мутахасссларнинг таҳминига кўра, қонунда тиббий ёрдам кўрсатишнинг тубдан янги тизими мустақамаланиши лозим. Уларнинг фикрича, тиббий хизмат ҳам пулсиз, ҳам пулли бўлади. Дарвоқе, маълум бир мўддат давомида улар сифатан бир-бирдан фарқ қилади. Тиббиёт пирларидан маслаҳат олиш, энг замонавий ва энг қиммат асбоб-ускуналар ёрдамида текширувдан ўтиш аҳолининг камбағал табакалари учун, чамаси, авалгидек қийин бўлар эди. Бироқ ҳақтада бир марта тўлаётган йилгилишда иши гурдух қатнашчилари икки қарам-қарин нэрсани, яъни соғлиқни сақлаш тизимини демократиялаштириш заруратини, уни бозор муносабатига ўтказиш зарурлиғи билан бирлаштириш усулини излашмоқда.

Донорлик тўғрисидаги қонун лойиҳасининг илк нусхаси тайёр бўлди. Фўзайловнинг ибораси билан айтганда бўлсақ, лойиҳа муҳоказма қилиб, фикр билдиришлари учун вилоят соғлиқни сақлаш бўлимлари ва бошқа тегишли ташкилотларга тарқатилди. Тиббиёт ходимлари гуаҳлик беришича, донорлардан олиннадиган қон ва қоннинг ўрнини босадиган моддалар масаласида аҳвол жуда мушкул. Тошпирилаётган қоннинг бир литрига 50 сўм тўланиши бундан буян кишиларини қон тошпиришга жалб қилолмайди, бепул қон тошпириш эса даярли ҳамма жойда барҳам топди. Мутахасссларнинг фикрича, донорлиқни фақат катта маблағ ҳисобига сақлаб қолиш мумкин. Аммо донорларга тўланадиган дақни иккинчи-уч ҳисса оширишни жумҳурият бюджетни кўтара олармикин, бу ҳозирча бизга қоронғу.

Кўмита энгил сановат корхоналарида меҳнат қилаётган аёлларнинг меҳнат ва турмуш шартининг текширмоқчи. Бу иш бешта вилоятда амалга оширилди. Текширув натижаси кўмитанинг сентябрь ойининг охирида бўладиган махсус йиғилишида мунозараси қилинади.

